



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



30 Sentyabr
№32

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
8-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
32-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-8**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
32-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-8**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)

КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 32-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АДАБИЁТ

1. Komilova Zeboxon Tursinaliyevna МАКТАБДА МАШРАБ ЎЖДИЙ МЕРОСИНИ О'РГАНИШ.....	7
2. Соҳибова Зарнигор Нусратиллоевна БАҲОР ТАСВИРИДА ҲАЁТГА МУҲАББАТНИНГ ИФОДАСИ	9



АДАБИЁТ

МАКТАБДА MASHRAB IJODIY MEROSINI O'RGANISH

Komilova Zeboxon Tursinaliyevna

Toshkent viloyati Yangiyo'l tumani
52-umumiy o'rta ta'lim maktabining
Ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi
Telefon: +998944081540

Annotatsiya: Ushbu maqolada adabiyotimizda muhim o'rin tutgan "Boborahim Mashrab" uning hayoti va ijodi, g'azal, mustazod, murabba', muhammas, musaddas, musabba, masnaviy, ruboiy, ta'rix kabi janr turlarida bitilgan yetuk namunalarni uchratamiz va ularni ishlatish usullari haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: "Boborahim Mashrab", g'azal, mustazod, murabba', muhammas, musaddas, musabba, masnaviy, ruboiy, ta'rix.

Shoir tarjimai holi va ijodiy faoliyatini yoritishda "Qissayi Mashrab"ning o'ziga xos o'rni bor. Boborahim Mashrab 1640-yilda Namanganda Valibobo bo'zchi oilasida dunyoga kelgan. Otadan barvaqt etim qolgan. Shunga qaramay chuqur bilim olishga harakat qilgan. Dastlab o'z qishlog'idagi maktabda tahsil olib savod chiqaradi. Uning bolaligi, tahsil yillari haqida zikri o'tgan kitobda ko'p rivoyatlar keltirilgan. Ularda biz uning yoshligidan ilohiy jazba tekkan, g'ayri oddiy, g'ayb asroridan voqif bir inson bo'lganini ko'ramiz. Jumladan, ilk tahsil kunlarining birida ustozidan "alif" deyishini so'raydi, "Alif" deydi. Endi "be" (arab alifbosidagi 2-harf) deng, deydi. Shunda shoh Mashrab ustozlaridan "alif" va "be"ning ma'nosini tushuntirib berishni so'raydilar. Shunda domla biroz achchig'lanadi. Buni ko'rgan Mashrab aytdilar: "Ey domla "alif"ni ma'nosini siz aytmasangiz man aytarman". Ustozlari aydilar: Ey o'g'lum, "alif"ni ma'nisi nimadur?" Shoh Mashrab aydilar: "Domla, "alif"ni ma'nisi birdur. Ul sababdin "Be" demasman. Mundin o'tmak xatodur". Buni eshitgan ustoz shogirdning quvvai afkoridan hayratda qoladilar. Chunki shunday yoshda olam va odamning mohiyatini bunchalik teran anglash g'ayri odatiy hol edi. Bu rivoyat bizni Mashrab dunyoqarashining eng muhim asrori bilan oshno etadi. U butun borliqni Ollohning zuhuri deb bilishini, Olloh bitta, boshqa barcha mavjudot uning tajallisi deb tushunishini anglatadi.

Umumta'lim maktablarida badiiy adabiyotni o'rganish uzoq tarixga ega bo'lgan ma'naviy hayoti, uning adabiyot, san'atga ega bo'lgan munosabatini bildirishni manbai hisoblanadi. Shu jihatdan darsliklarda o'zining adabiy merosi bilan mash'hur bo'lgan yozuvchi va shoirlarning ijodiga oid manbalar haqida fikrlar yuritilgan, ularning asarlarini yaratilishi, g'oyasi muallifning o'z davriga nisbatan munosabati, ijodiy olami, asarlari haqida ma'lumot berilganki, bu vositada jamiyat a'zolarini yetuk insonlar qilib, yetkazish maqsad qilib olingan.

Mashrabning mohiyatan inson qadri-sharafi va ma'naviy kamolotini ulug'lashga, ezgulik va go'zallikni madh etishga bag'ishlangan she'riy erosida g'azal, mustazod, murabba', muhammas, musaddas, musabba, masnaviy, ruboiy, tarix kabi janr turlarida bitilgan yetuk namunalarni uchratamiz. Ammo Mashrab avvalo mohir g'azalnavis hamda ko'plab sho'x va jarangdor mustazodlar, o'ynoqi va jozibador murabba hamda xalq g'amu hasratiga hamdardlik hissi bilan yo'g'rilgan muhammaslar ijodkori sifatida keng dovrug' chiqargan.

Mashrabning adabiy ijodiy merosida diniy va tasavvufiy g'oyalar ham, o'sha asarda, ayniqsa, keng tarqalgan qalandarlik tariqati g'oyalari ham sezilarli o'rin egallaydi.

Boborahin Mashrabning hayoti, umr tarzi rang-barang, afsonalarga boy bo'lganidek, uning ijodi – adabiy merosi ham har xil falsafiy qarashlar, diniy talqinlar, ayniqsa, tasavvufiy qarashlarga boy bo'lganligi sababli adabiyotshunos olimlar, tarixchi, faylasuflarning diqqat-e'tiborini o'ziga qaratib kelgan.

Biz shoirning adabiy merosini o'rganar ekanmiz, u o'z g'azallarida talmeh san'atidan mohirona foydalanganligining guvohi bo'lamiz. Talmeh she'riy san'atiga nazariy adabiyotlarga quyidagicha



ma'lumot berilgan: "Talmeh shuki, so'zlovchi (ya'ni yozuvchi; bayon qiluvchi) nazm yo nasrda o'z matlabining isboti uchun mashhur qissaga yo oyatga, yo hadisga, yo ma'lum masal va shu kabilarga ishorat qiladi. She'rda ba'zi ilmiy istilohlarni ishlatishni ham san'at doirasiga kiritganlar". Demak, "talmeh shoirga bir ishora bilan chuqur ma'noni ifodalash imkonini beruvchi san'atdir. U istiora, tashbih kabi san'atlardan farqli o'laroq, ijodkorga tarixiy yo afsonaviy voqealarga, masallar, mashhur asarlar va qahramonlar obraziga ishora qilish va shu yo'l bilan o'z fikrini mo'jaz holda kuchaytirish uchun imkoniyat tug'diradi.

Xulosa qiladigan bo'lsak, Boborahim Mashrab o'z she'riyatida talmeh san'atidan keng foydalangan holda, o'z maqsad va muddaosini bayon qilgan. Buni bir necha misol orqali tubanda o'rgandik, xolos. Biz quyida shoirning boshqa janrlardagi adabiy merosini o'rganib imkoniyat darajasida talmeh san'ati xususida so'z yuritdik.

Tarixga xususan adabiyot tarixiga nazar solsangiz, Mansuri Hallojni imonsizlar tomonidan dorga osib o'ldirilgan, Boborahim Mashrabning taqdiri ham shunga o'xshaydi, Mansur halokati shoir tomonidan she'riyatida ko'p tilga olinadi. Quyidagi baytda faxr bilan Mansurga qo'shilganligini talmeh san'ati orqali badiiy tasvirlagan:

Ming shukur xudoyimg'a Mansurg'a qo'shuldum man,

Ul ro'yi siyahlarkim Mansurni o'ldurg'on.

Shundan so'ng ishq yo'liga kirganlarning ahvoli shunday kechishini quyidagi baytda ifodalaydi:

Bul ishq yo'liga kirgan, albatta kechar jondan,

Kechmasa agar jondan, aytgan so'zidur yolg'on.

Keltirgan baytning mazmunidan ayonlashadiki, Xudoga sig'ingan, to'g'ri yo'lni tanlagan, halol umr kechirgan, ishq dardiga giriftor bo'lgan kimsa darhaqiqat o'zini shu yo'lga qurbon qilishi lozim, aks holda yonaman pishaman, o'laman deb yolg'ondan nola qilganlari foydasizdir. Ana shunday dardli so'zlardan keyin, ishq yo'liga butun vujudlari bilan kirib, shu yo'lga qurbon bo'lgan bir qator ishqiy afsonalar qahramonlarini baytma-bayt keltiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Yoqubjon Isoqov, So'z san'ati so'zligi, Toshkent. "ZARQALAM" 2006. 70 –bet.



БАҲОР ТАСВИРИДА ҲАЁТГА МУҲАББАТНИНГ ИФОДАСИ

Соҳибова Зарнигор Нусратиллоевна
Бухоро давлат университети, Ўзбекистон
+998934553400

Аннотация: Шарқ мумтоз шеърлятида йил фасллари бадий талкин этиш ўзининг чуқур илдизларига эга. Мазкур адабий анъана замонавий ўзбек шеърлятида ҳам муваффақиятли давом эттирилди. Ушбу тезисда Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ижодидан баҳор фаслига бағишланган мустаҳзоднинг рамзий маънолари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: мумтоз шеърлят, замонавий шеърлят, анъана, лирик қаҳрамон, мустаҳзод, қофия.

Маълумки, йил фасллари шеърлятда лирик образ даражасига кўтарилган ва бу образлар рамзий-тимсолий моҳиятга эга. Улар кўпинча инсон умрига қиёсланади. Мазкур рамзлар генезиси, аввало, халқ шеърляти, кейинроқ мумтоз адабиёт намуналари билан боғлиқ. Табиат фасллари талкини ўзбек мумтоз шеърлятида, хусусан, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат шеърларида бадий такомил топган ва анъанавийлашган. Замонавий шеърлятда, хусусан, Эркин Воҳидов ижодида фасллар мавзуси нафақат анъана сифатида давом эттирилди, балки ёрқин ҳаётйлик ва кучли ижтимоий мазмун билан бойиди. Бу борада унинг баҳор ҳақидаги шеърлари аҳамиятли. Жумладан, Эркин Воҳидовнинг “Баҳор мустаҳзоди” [1,24] шеъри кўкламнинг инсонга нисбат берилган қиёфасини кўз олдимизда намоён этади. Аввало, мустаҳзод тушунчасини изоҳлаш лозим. “Мустаҳзод” – арабча “орттирилган” дегани. Мумтоз адабиётдаги лирик жанр, ҳар бир мисрасидан кейин ярим мисра орттирилувчи шеър. Мустаҳзоднинг асосий мисралари ғазал типдаги мустақил қофияланишни ҳосил қилса, ярим мисралари ҳам мустақил ҳолда шундай қофияланишга эга бўлади (А-а-А-а, Б-б-А-а, В-в-А-а, Г-г-А-а...). Мустаҳзоднинг ўзиги хос ритмик-интонацион қурилиши ўйноқи оҳангни юзага келтирадики, у кўшиқ оҳангига мос ва куйлаш учун жуда қулай [3,193]. Шеърнинг ўйноқилик уфуриб турган илк мисралариёқ кишида кўтаринки кайфият уйғотади:

Гул фаслида соз олди яна аҳли наволар,
куй бошлади ёна.

Не тонгики, гўзал бўлди жаҳон, еру-самолар,
ҳар тилда тарона [1,24].

Шоир шеърда баҳор сўзи ўрнида “гул фасли” бирикмасини ишлатади. Бу билан кўкламнинг гўзаллик, яшариш фасли эканлигига ишора бор. Кейинги мисраларда пейзаж севги образи билан уйғун тасвирланади:

Кўк бирла замин бир-бирига ошиқу-маъшук,
бир-бирга туташган,
Сочмоқда у борон ила жонбахш зиёлар
ичмоқда бу қона.

Шоир ер билан осмонни “ошиқу-маъшук”, яъни севишганларга ўхшатади. Ер юзини яшилликка бурковчи баҳор ёмғирини эса (“борон” – форсча “ёмғир” дегани [2,129]) “жонбахш зиё” дея таърифлайди. Баҳордаги оддий табиат ҳодисасини бу қадар образли тасвирлаш, бетакрор ўхшатишларни топиш Эркин Воҳидовнинг ўзига хос услубидан далолат беради. Кейинги байтларда шоирдаги севги ва шавқ яна ҳам кучайтирилади. “Зумрад далалар”, яъни яшил кенгликлар қўйнида очилган “шафақгун” лолалар ошиқлар қалбига ўт ёқувчи гўзал аёл образида гавдалантирилади:

Зумрад далалар бағрига ўт қўйди шафақгун
ракс етгучи лола,
Ёндирганидек бизни пари моҳи лиқолар,
ўт насли – жонона.

Баҳорда гулнинг – очилиши табиий ҳодиса, аммо унинг бахтли келинчакка ўхшатилиши шоирнинг такрорланмас топилмасидир:

Гул бошин эгиб жилмаядир, бахтли келинчак,
машшотаси – офтоб,



Булбул тилида нола надир, завқи садолар,
бу – савти замона.

Шеърдаги булбул образи ҳам ўзига хос. У ҳаётга тўла, унга маҳзунлик бегона. Зеро, шоир тасаввурида баҳор шундай фаслки, унда бор ҳаётбахшлик жамланган. Шеърнинг охирги мисраларида баҳор образи лирик қаҳрамоннинг Ватанга муҳаббати билан уйғунлашиб кетади. Шоир қалбида баҳор уйғотган яшаш иштиёқи севгилар ичида енг шарафлиси – Ватанга бўлган муҳаббат даражасида ўсиб боради.

... Мен неки ёзар бўлсам, ўзинг боиси назмим,
мадҳим сенга доим,
Битдим яна, жоним, юрагим сенга наволар,
гул фасли баҳона[1,24].

Юқоридаги таҳлилдан қийидагича хулосалар чиқариш мумкин:

- 1) баҳор борлиққа бўлган севги рамзи (“қўқ бирла замин бир-бирига ошиқу-маъшук”);
- 2) баҳор кўнгилда эҳтирос уйғотувчи гўзал аёл образида гавдаланади (“парӣ”, “моҳи ликӣ” – форсча “гўзал” [2,399], “жонона”);
- 3) бахтидан масрур келинчак образида намоён бўлади (“бахтли келинчак”);
- 4) Ватанга муҳаббатнинг ифодаси бўлиб келади.

Шеърда бошдан охир кўтаринки кайфият, ҳаётдан завқланиш сезилади. Бу кайфият китобхонга ҳам ўтади. Инсонда яшаш иштоёқини кучайтиради, позитив руҳ беради.

Адабиётлар:

1. Воҳидов Эркин. Ўзбегим. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. – 400 б.
2. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 782 б.
3. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Т.: “Академнашр”, 2010. – 400 б.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(8-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000